

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Тухтаназаров Дилмурод Солижонович

НЕФТЬ КОНЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ПАРАМЕТРЛАРНИ
БАШОРАТ ҚИЛИШНИНГ КОМПЬЮТЕР МОДЕЛЛАРИ

05.01.02 - Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Тухтаназаров Дилмурод Солижонович

Нефть конларини бошқаришда параметрларни башорат қилишнинг
компьютер моделлари.3

Тухтаназаров Дилмурод Солижонович

Компьютерные модели прогнозирования параметров управления нефтяных
месторождений.17

Tuhtanazarov Dilmurod Solijonovich

Computer models of predicting parameters of management oil field.31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 35

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУХТАНАЗАРОВ ДИЛМУРОД СОЛИЖОНОВИЧ

НЕФТЬ КОНЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ПАРАМЕТРЛАРНИ
БАШОРАТ ҚИЛИШНИНГ КОМПЬЮТЕР МОДЕЛЛАРИ

05.01.02 - Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Т144 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимов Исмоилджон

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Тошпулат

техника фанлари доктори, профессор

Бобомуродов Озод Жўраевич

техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

Р.Ҳ.Ҳамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

М.А.Рахматуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ишлаб чиқариш жараёнларини бошқарувчи тизимларни яратишга ва мавжудларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳозирда фойдали конларни замонавий компьютер технологиялари орқали бошқариш масаласи жадал суръатлар билан ривожланмоқда. «Британиянинг British Petroleum (BP) компаниясининг ҳисоботида келтирилишича, 2016 йил якунларига кўра дунёнинг тасдиқланган нефть захираси 240.7 млрд. тоннани (1706.7 млрд. баррель) ташкил этади ва нефть қазиб олиш ҳажми ўтган йилга нисбатан 0,5% ошган ва ўртача бир кунда 92.150 минг баррель нефть қазиб олинган»¹. Фойдали конларни замонавий ахборот тизимлари орқали тадқиқ қилиш ишлари жаҳоннинг шу соҳада ривожланган мамлакатлари, жумладан АҚШ, Россия, Буюк Британия, Хитой, Саудия Арабистони, Венесуела, Озарбайжон ва Ўзбекистонда олиб борилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён нефть, газ ва газконденсат конларининг ишлаб чиқиш жараёнларини оптимал бошқариш учун илмий инновацион ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада кон маълумотларини қайта ишлаш ёрдамида маҳсулот қазиб олиш ҳажмини оширишга эришилиб, жумладан нефть ва газ қазиб олиш бўйича автоматлаштирилган технологик комплекслари яратилди. Шулар билан бир қаторда нефть конларини ахборот технологиялари ёрдамида оптимал бошқариш орқали ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан « ... ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, ... иқтисодиёт, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда фойдали нефть конларининг ишлаб чиқиш жараёнига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш асосида маҳсулот қазиб олиш ҳажмини ошириш, конларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини башоратлаш орқали улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда фойдали қазилма конларидан унумли фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқиш жараёнларини ифодаловчи ва башоратловчи математик моделларни ҳамда ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мақсадли илмий-тадқиқотлар, жумладан, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда: конларнинг геологик ва гидродинамик 3D моделларини яратиш, конларни ишлаб чиқиш жараёнини масофадан туриб мониторинг қилувчи тизимларни ишлаб чиқиш, конлардан тўғри фойдаланиш учун қазиб олинган нефть миқдори коэффициентини яхшилаш технологияларини яратиш, конларни ишлаб чиқишда нефть қазиб

¹ <http://www.bp.com/content/dam/bp/en/corporate/pdf/energy-economics/statistical-review-2017/bp-statistical-review-of-world-energy-2017-full-report.pdf>

олиш жараёнини назорат ва таҳлил қилувчи технологияларни ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ва 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 24-сон «Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини бундан кейинги ривожлантиришга шароитлар яратиш учун чора - тадбирлар тўғрисида»ги қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда нефть конларининг ишлаб чиқиш жараёнини ифодаловчи математик моделларни ишлаб чиқиш ва уларни сонли ҳисоблаш усулларини яратиш бир қатор олимлар: Ramirez F.M, Hang B.T., Henriques A., Apeland O., Wennemo S.E., X.Азиз, Э.Сеттари, И.А.Чарный, Б.Б.Лапук, С.Н.Закиров, Ю.П.Коратаев, В.Н.Шелкачев, М.А.Гусейнзаде, М.С.Хантуш В.Д. Лысенко ва бошқаларнинг ишида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда Ф.Б.Абуталиев, С.Н.Назаров, У.С.Назаров, Н.М.Мухитдинов, Р.С.Саъдуллаев, И.Алимов, Ш.Қаюмов, Т.Е.Пирназарова ва бошқалар суюқлик (нефть, сув) фильтрацияси масаласининг математик моделларини ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшганлар.

Ҳозирги кунгача нефть конларини ишлаб чиқишнинг турли масалаларини ечиш имконини берувчи математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуалар яратилган. Шунга қарамай, нефть конларини ишлаб чиқиш жараёнларини бошқариш, башоратлаш ва таҳлил қилиш имконини берувчи математик моделлар ҳамда компьютер моделларини яратиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг А5-ФА-Ф021 «Газодинамика ва фильтрация жараёнларида масса кўчиши масалалари синфини ечишни автоматлаштириш учун объектга йўналтирилган дастурий воситаларни ишлаб чиқиш» (2012-2014), А-5-009 «Фильтрация масалалари ва ер ости қориштириш жараёнида эритма ҳаракатлари учун математик моделлар,

алгоритмлар ҳамда дастурий воситалар ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нефть конларини ишлаб чиқиш жараёнини илмий таҳлил қилиш, оптимал бошқариш ва башоратлаш учун математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ҳамда компьютер моделларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нефть конларини ишлаб чиқиш жараёнини ташкил қилувчи математик моделларни тадқиқ қилиш ва тизимли таҳлил назариялари асосида объектнинг ахборотли-мантқиқий структураларини ишлаб чиқиш;

коннинг структура харитасидан фойдаланган ҳолда фиктив соҳани қуриш ва қудуқларнинг координаталарини аниқлаш алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда дастурий мажмуалар яратиш;

нефть конларини ишлаб чиқиш жараёнини бошқариш ва башоратлаш учун алгоритм ҳамда компьютер моделларини ишлаб чиқиш;

нефть конлари маълумотларини қайта ишлаш орқали қудуқларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичини башоратлаш ва қазиб олинмаган нефть миқдори коэффицентини ҳисоблаш учун алгоритм ҳамда компьютер моделлари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида нефть ва газ конларининг ишлаб чиқиш жараёнлари қаралган.

Тадқиқотнинг предмети суюқлик фильтрацияси жараёнларини оптимал бошқариш учун математик моделлар, сонли ечиш усуллари, ҳисоблаш алгоритмлари ва компьютерларда ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш учун дастурий мажмуалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, икки ўлчовли масалани бир ўлчовли кўринишга келтириш, ечимларни солиштириш, ечимларни текшириш, ҳайдаш ва компьютерларда ахборотларни қайта ишлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

нефть конларини ишлаб чиқиш жараёнларини бошқариш ва параметрларини башоратлаш тизимларининг структура-функционал тузилиши такомиллаштирилган;

суюқлик фильтрацияси жараёнларини ифодаловчи икки ўлчовли математик моделларни бир ўлчовли кўринишга келтириш схемаларидан фойдаланган ҳолда, сонли ечиш усуллари ишлаб чиқилган;

нефть конларини ишлаб чиқиш жараёнларига бошқариш масаласини қўллаш орқали математик модел такомиллаштирилган ва ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

конларнинг дастлабки маълумотларини қайта ишлаш орқали қудуқларнинг ишлаб чиқиш кўрсаткичини башоратлаш ва кон захирасини ҳисоблаш учун математик моделлар ва ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нефть конларини ишлаб чиқиш жараёнини ифодаловчи математик

моделлар такомиллаштирилган ва ҳисоблаш алгоритмлари яратилган;

объектларни ишлаб чиқишда технологик кўрсаткичларни таҳлил қилиш, оптимал бошқариш, башоратлашнинг ҳисоблаш алгоритмлари яратилган;

нефть конлари маълумотларини қайта ишлаш орқали қудуқларнинг ишлаб чиқиш кўрсаткичини, дебитини ва кон захирасини ҳисоблаш учун дастурий маҳсулот яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги услубий жиҳатдан масаланинг математик қўйилиши ва уни ечиш учун қўлланилган сонли усуллар ва чекли айирмалар усулларининг қатъийлиги, ечилган масалаларнинг назарий ва амалий натижалари, чекли айирмалар ёрдамида ошқормас усулларни қўллаш, тест функцияси натижаларининг мослиги ва реал кон натижаларини солиштириш орқали текширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар нефть конларини ишлаб чиқиш жараёнини бошқаришда илмий ва амалий тажрибаларни ўтказиш технологиясини такомиллаштириш имкониятини беради. Ишлаб чиқилган моделлар ва ҳисоблаш алгоритмлари объектнинг технологик кўрсаткичларини таҳлил қилиш, оптимал бошқариш ва башоратлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти объектни ишлаб чиқишнинг технологик кўрсаткичларини таҳлил қилиш, нефть конларнинг параметрларини башоратлаш, кон захираларини ҳисоблаш, қудуқларнинг ишлаб чиқиш кўрсаткичларини башоратлаш, кондан қазиб олинadиган нефть миқдори коэффиценти ҳисоблаш ва яратилган компьютер моделлари орқали янги ахборот технологияларини қўллаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нефть конларини ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш ва кон маълумотларини қайта ишлаш бўйича яратилган математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий мажмуалар асосида:

нефть конларининг жорий вақтгача бўлган маълумотларини қайта ишлаш орқали қудуқларнинг ишлаб чиқиш кўрсаткичини башоратлаш ва қазиб олинadиган нефть миқдори коэффиценти ҳисоблаш мақсадида ишлаб чиқилган моделлар, алгоритмлар ва дастурлар “УзЛИТИНефтГаз” илмий-лойиҳалаш институти лойиҳалари асосида “Умид” ва “Южный кемачи” нефть конларига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 20 июлдаги 33-8/4722-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган дастурлар нефть конларининг ишлаб чиқиш жараёнини бошқаришга кўмаклашувчи натижаларни башоратлаш орқали конлардан фойдаланиш самарадорлигини 10-20 % га ошириш имконини берган;

нефть ва газ конларининг захирасини қатламнинг босим тушишидан фойдаланиб ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган математик модель ва ишлаб чиқилган ҳисоблаш алгоритми ҳамда компьютер модели “НГСЎЗИМЖ”

лойиҳалари асосида “Шахпахты” кониға жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 20 июлдаги 33-8/4722-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган компьютер модели қатламларға ажратилган табиий конларни ҳар бир қатламининг захирасини ҳисоблаш ва бу орқали кон захираларни ҳисоблаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 2 таси хорижий ва 8 таси республика журналларида нашр қилинган ҳамда 4 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нефть конларини бошқариш жараёнларининг замонавий ҳолати ва тизимли таҳлили**» деб номланган биринчи бобида фильтрация жараёнларини бошқаришнинг замонавий ҳолатининг таҳлили ва нефть конларини ишлаб чиқиш жараёнининг тизимли таҳлили келтирилган.

Биринчи параграфда суюқлик фильтрацияси ва бошқариш масалаларига доир илмий тадқиқотлар муҳокама этилган.

Иккинчи параграфда қудуқлар, нефть конлари ва уларни ишлаб чиқариш жараёнлари, ҳамда бошқарув жараёнлари тизимли таҳлил қилинган.

Учинчи параграфда нефть конларини ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш масалаларининг қўйилиши келтирилган. Суюқлик фильтрацияси жараёнларининг математик модели қуйидаги хусусий ҳосилали параболик типдаги дифференциал тенглама орқали ифодаланиб:

$$\begin{aligned} & \frac{\partial}{\partial x} \left(\frac{k(x, y)h}{\mu} \frac{\partial P(x, y, t)}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(\frac{k(x, y)h}{\mu} \frac{\partial P(x, y, t)}{\partial y} \right) = \\ & = m(x, y)\beta^* h \frac{\partial P(x, y, t)}{\partial t} + f(x, y, t), \\ & f(x, y, t) = A\delta(x - x_i)(y - y_i)q_i, \quad (x, y) \in D, \quad t > 0 \end{aligned} \quad (1)$$

қуйидаги бошланғич

$$P(x, y, 0) = P_0(x, y), \quad (2)$$

ва чегаравий

$$\left[\lambda \frac{k(x, y)}{\mu} \frac{\partial P}{\partial n} + (1 - \lambda)P \right]_{\Gamma} = \gamma, \quad (3)$$

$\lambda = 0, 1$; ($\lambda = 0$ да 1-чегаравий, $\lambda = 1$ да 2-чегаравий) шартларни қаноатлантиради. Бу ерда $k(x, y) = k^*$; k^* - ўтказувчанлик, μ - ёпишқоқлик, h - баландлик, P - босим, m - ғоваклик, β^* - эластиклик коэффициенти, \bar{q}_i - қудук дебити.

Қатламнинг ҳисобланган ва амалдаги босимлари фарқини кондан қазиб олинадиган суюқлик миқдорини танлаш ҳисобига минимумга эриштирадиган функционал боғланишнинг кўриниши қуйидагичадир:

$$Z(Q) = \int_0^T [P(t) - \bar{P}(t)]^2 dt, \quad Z^* = \min_{Q \in \Omega} Z(Q), \quad 0 < Q < Q_n, \quad \Omega = \{Q\}. \quad (4)$$

Бу ерда \bar{P} - t вақт momentiда коннинг лойиха бўйича белгиланган ўртача босим қиймати; P - (1)-(3) математик модел орқали ҳисобланган босим. Бунда $Z(Q)$ - мақсад функцияси.

Умумий бошқарув масаласининг математик моделини қуйидагича тавсифлаймиз:

$$\begin{cases} \frac{\partial}{\partial x} \left(\frac{k(x, y)h}{\mu} \frac{\partial P(x, y, t)}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(\frac{k(x, y)h}{\mu} \frac{\partial P(x, y, t)}{\partial y} \right) = \\ = m(x, y)\beta^* h \frac{\partial P(x, y, t)}{\partial t} + f(x, y, t), \quad (x, y) \in D, \quad t > 0, \\ P(x, y, 0) = P_0(x, y), \\ \left[\lambda \frac{k(x, y)}{\mu} \frac{\partial P}{\partial n} + (1 - \lambda)P \right]_{\Gamma} = \gamma, \\ Q = \sum_{i=1}^N q_i(t), \quad Z(Q) = \int_0^T [P(t) - \bar{P}(t)]^2 dt, \\ Z^* = \min_{Q \in \Omega} Z(Q), \quad 0 < Q < Q_n, \quad \Omega = \{Q\}, \\ f(x, y, t) = A\delta(x - x_i)(y - y_i)q_i, \quad \lambda = 0, 1. \end{cases} \quad (5)$$

Оптимал бошқариш, лойихалаштириш, нефть конларидаги ишлаб чиқиш жараёнларини тадқиқ қилишда системадаги барча параметрларнинг ўзаро боғлиқлигига аҳамият бериш лозимлигини билдиради. Бу параметрлар тадқиқ қилинаётган жараённинг асосий омилларини баҳолаш имкониятини беради, бу омиллар: вақт бўйича қатламдаги босимнинг ўзгариши,

ишлатилаётган ва янги ишга туширилиши керак бўлган қудуқлар сони, олинаётган нефть миқдори, чегаравий шартлар, кон ва қудуқнинг нефтьга тўйинганлигидир.

Диссертациянинг «Нефть конларини бошқариш жараёнларини моделлаштириш ва ҳисоблаш алгоритмлари» деб номланган иккинчи бобида қўйилган масалани ечиш учун чекли-айирмали ҳисоблаш усуллари ва алгоритмлари келтирилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида нефть конларини ишлаб чиқиш жараёнларининг математик моделлари ва сонли ечиш усуллари келтирилган. Икки ўлчовли суюқлик фильтрацияси масаласини ифодаловчи математик тенгламани сонли ечишда ажратилган бир ўлчовли, сатр ва устун, ўлчовларга ажратиш схемаларидан фойдаланиб бир ўлчовли кўринишга келтирамыз.

Олинган бир ўлчовли масалани оддий ва пототкли ҳайдаш усулларида ечамиз. Пототкли ҳайдаш усули учун бир ўлчовли масала қуйидагича кўринишда ёзилади:

ажратилган бир ўлчовли схемаси учун:

$$\begin{aligned} w_x^{k+\frac{1}{2}}{}_{i+\frac{1}{2},j} - w_x^{k+\frac{1}{2}}{}_{i-\frac{1}{2},j} &= \frac{h_x}{\tau} P_{i,j}^{k+\frac{1}{2}} + \frac{h_x}{\tau} F_i, \quad F_i = 0.5\tau q_{i,j} - P_{i,j}^k; \\ w_y^{k+1}{}_{i,j+\frac{1}{2}} - w_y^{k+1}{}_{i,j-\frac{1}{2}} &= \frac{h_y}{\tau} P_{i,j}^{k+1} + \frac{h_y}{\tau} F_j, \quad F_j = 0.5\tau q_{i,j} - P_{i,j}^{k+\frac{1}{2}}. \end{aligned} \quad (6)$$

ўлчовларга ажратиш схемаси учун:

$$\begin{aligned} \left(w^{k-\frac{2}{3}}{}_{i+\frac{1}{2},j} - w^{k-\frac{2}{3}}{}_{i-\frac{1}{2},j} \right) &= \frac{h_x}{0.5\tau} \left(P_{i,j}^{k-\frac{2}{3}} + F_i \right), \quad F_i = -P_{i,j}^{k-1}; \\ \left(w^{k-\frac{1}{3}}{}_{i,j+\frac{1}{2}} - w^{k-\frac{1}{3}}{}_{i,j-\frac{1}{2}} \right) &= \frac{h_y}{0.5\tau} \left(P_{i,j}^{k-\frac{1}{3}} + F_j \right), \quad F_j = -P_{i,j}^{k-\frac{2}{3}}; \\ P_{i,j}^{k+\frac{1}{3}} &= P_{i,j}^{k-\frac{1}{3}} + 2\tau q_{i,j}; \\ \left(w^{k+\frac{2}{3}}{}_{i,j+\frac{1}{2}} - w^{k+\frac{2}{3}}{}_{i,j-\frac{1}{2}} \right) &= \frac{h_y}{0.5\tau} \left(P_{i,j}^{k+\frac{2}{3}} + F_j \right), \quad F_j = -P_{i,j}^{k+\frac{1}{3}}; \\ \left(w^{k+1}{}_{i+\frac{1}{2},j} - w^{k+1}{}_{i-\frac{1}{2},j} \right) &= \frac{h_x}{0.5\tau} \left(P_{i,j}^{k+1} + F_i \right), \quad F_i = -P_{i,j}^{k+\frac{2}{3}}. \end{aligned} \quad (7)$$


сатр ва устун схемаси учун:

$$\begin{aligned} w_x^{k+\frac{1}{2}}{}_{i+\frac{1}{2},j} - w_x^{k+\frac{1}{2}}{}_{i-\frac{1}{2},j} &= \frac{h_x}{0.5\tau} P_{i,j}^{k+\frac{1}{2}} + \frac{h_x}{0.5\tau} F_i, \quad F_i = 0.5\tau \left(q_{i,j} - \frac{w_y^k{}_{i,j+\frac{1}{2}} - w_y^k{}_{i,j-\frac{1}{2}}}{h_y} \right) - P_{i,j}^k; \\ w_y^{k+1}{}_{i,j+\frac{1}{2}} - w_y^{k+1}{}_{i,j-\frac{1}{2}} &= \frac{h_y}{0.5\tau} P_{i,j}^{k+1} + \frac{h_y}{0.5\tau} F_j, \quad F_j = 0.5\tau \left(q_{i,j} - \frac{w_x^{k+\frac{1}{2}}{}_{i+\frac{1}{2},j} - w_x^{k+\frac{1}{2}}{}_{i-\frac{1}{2},j}}{h_x} \right) - P_{i,j}^{k+\frac{1}{2}}. \end{aligned} \quad (8)$$

кўринишда бўлади.

Келтирилган усуллар бир-биридан бир нечта омиллари билан фарқ қилади: аниқлиги, турғунлиги, бажарилувчи операциялар сони ва бошқалар.

Иккинчи параграфда нефть конларини ишлаб чиқиш жараёнини бошқариш масаласини ифодаловчи математик моделнинг ҳисоблаш алгоритми келтирилган (1-расм).



1-расм. Нефть конларини ишлаб чиқиш жараёнини бошқариш алгоритми

Учинчи параграфда, шунингдек реал конларнинг дастлабки маълумотларини қайта ишлаш орқали конларнинг параметрларини башоратловчи математик моделлар ва ҳисоблаш алгоритмлари келтирилган. Конларнинг ишлаб чиқиш кўрсаткичларини башорат қилиш масалалари соҳанинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Табиий нефть конларидаги ишлаб чиқиш жараёнларини башорат қилиш ва бошқариш услуги муайян ҳисоблаш варианты асосида ишлаб чиқиш кўрсаткичларининг вақт бўйича ўзгаришини бошқа кўрсаткичлар билан боғлиқ равишда аниқлаш имконини беради. Бунинг учун технологик параметрлар (вақт бўйича олинаётган хом ашё миқдори, нефть олиш вақтининг давомлилиги,

ишлатилаётган қудуқларнинг технологик режимлари ва ҳ.к.) берилган бўлиши лозим.

Ушбу моделларда дастлаб қудуқнинг умумий ишлаш вақтини ҳисоблаш формуласини келтирамиз:

$$T_{KOH} = -\frac{Q_0}{q_a} \ln \left(\frac{q_{II-P}}{q_a} \right).$$

Бу ерда T_{KOH} – қудуқнинг умумий ишлаш вақти, қудуқнинг суткалик оладиган дебит кучи $q_{II-P} = 1 \text{ тон. / кун}$ дан кам бўлмаслиги керак. Чунки белгиланган дебитдан сўнг қудуқ ишни яқунламаса унинг кунлик иқтисодий сарфи у келтираётган фойда билан тенг ёки ундан кам бўлиб қолади.

Амплитуда дебитини қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

$$q_a = e^{\left(\frac{\sum \ln \bar{q}_i - \frac{\sum (t_i \ln \bar{q}_i) - \sum t_i \sum \ln \bar{q}_i}{\sum t_i}}{\sum t_i^2 - (\sum t_i)^2} \right)}.$$

Бу ерда t_i - жорий вақт, q_i - жорий вақтдаги дебит кучи.

Қазиб олинadиган бошланғич заҳира:

$$Q_0 = \frac{q_a}{\left(\sum (t_i \ln q_i) / \left(\sum t_i^2 - (\sum t_i)^2 \right) \right)}.$$

Олинган умумий дебит миқдори

$$\sum (q_i t_i).$$

Қазиб олинadиган заҳира:

$$Q_{ост.др.} = Q_0 e^{-\frac{q_a}{Q_0 \sum t_i}}.$$

Қазиб олингандан сўнг қолган нефть заҳираси:


$$Q_{ост.изв.} = Q_{ост.др.} - Q_0 e^{-\frac{q_a}{Q_0 t_{отк}}}.$$

Ушбу моделдан фойдаланиб қудуқнинг дебитини башорат қилиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари конлардан қазиб олинadиган нефть миқдори коэффицентини ҳисоблаш ҳамда қатламнинг босим тушишидан фойдаланиб конларнинг заҳирасини ҳисоблаш учун математик моделлар такомиллаштирилган ва алгоритмлар ишлаб чиқилган.


Диссертациянинг «**Нефть конларини бошқаришда параметрларни башорат қилишнинг компьютер моделлари ва ҳисоблаш тажрибалари**» деб номланган учинчи боби реал конлар орқали ҳисоблаш тажрибалари ўтказиш учун компьютер моделлари яратишга бағишланган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфидан нефть конларини ишлаб чиқиш жараёнларини бошқариш учун кондан олинadиган нефть миқдорини оптималлаштириш усуллари орқали башоратловчи компьютер моделининг умумий ойна кўриниши (2-расм) да келтирилган.





2-расм. Дастурнинг асосий интерфейси

Ишлаб чиқилган компьютер модели юқорида келтирилган усулларнинг барчаси бўйича ҳисоблаш имконини беради. Ушбу компьютер моделдан фойдаланиб олинган натижалар 3 ва 4-расмларда келтирилган.



3-расм. 360-суткадаги босимнинг кўрсаткичлари



4-расм. 720-суткадаги босимнинг кўрсаткичлари

Келтирилган усуллар ичида энг кўп ҳисоблаш жараёни ўлчовларга ажратиш усулида амалга оширилади. Энг кам ҳисоблаш жараёни эса ажратилган бир ўлчовли усулда ишлатилади. Бунда масалани иккита ҳисоблаш босқичи мавжуд ҳамда сатр ва устун усулидан фарқи x бўйича ҳисобланганда y ва y бўйича ҳисобланганда эса x ўқиға мос ҳадлар ҳисобга олинмайди. Ушбу таҳлиллар натижасида айтиш мумкинки, ажратилган бир ўлчовли усул орқали масалани қисқа вақт ичида ҳисоблаш билан бошқа усуллар натижаларидан катта фарқ қилмайдиган натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Иккинчи параграфда кон маълумотларини қайта ишлашдан фойдаланган ҳолда, қудуқларнинг ишлаб чиқиш кўрсаткичини ҳисоблаш учун яратилган дастурий таъминот келтирилган. Ушбу дастурдан фойдаланиб, Умид нефть конининг 72 ва 77 қудуқлар маълумотлари асосида ҳисоблаш тажрибаси ўтказилган (5-расм).

Начальные дренируемые запасы, t		Накопленная добыча нефти, t		Остаточные извлекаемые запасы, t	
Q0 =	48 980,49		12 438,05	Q ост.изв=	21 516,37
Амплитудный дебит, t/d		Время отключения		Остаточные дренируемые запасы, t	
Qa =	6,37	дни	лет	Q ост.др=	29 206,36
		T откл=	14 238,04 28,12		

Входные данные						Прогноз					
N#	Dates	Days	Debit	Act		N#	Dates	Sum Days	DebitDay	DebitMc	DebitSum
1	01.02.1988	10	3	0		1	01.01.2006	4007	3,78	117,26	117,26
2	01.03.1988	31	4	0		2	01.02.2006	4035	3,77	105,53	222,79
3	01.04.1988	30	1	0		3	01.03.2006	4066	3,75	116,37	339,16
4	01.05.1988	31	1	0		4	01.04.2006	4096	3,74	112,17	451,34
5	01.06.1988	30	1	0		5	01.05.2006	4127	3,72	115,45	566,78
6	01.07.1988	31	2	0		6	01.06.2006	4157	3,71	111,29	678,07
7	01.08.1988	31	3	0		7	01.07.2006	4188	3,69	114,54	792,61
8	01.09.1988	30	3	0		8	01.08.2006	4219	3,68	114,07	906,68
9	01.10.1988	31	2	0		9	01.09.2006	4249	3,67	109,97	1 016,65
10	01.11.1988	30	3	0		10	01.10.2006	4280	3,65	113,17	1 129,82
11	01.12.1988	31	2,26	0		11	01.11.2006	4310	3,64	109,10	1 238,92
12	01.01.1989	31	2	0		12	01.12.2006	4341	3,62	112,28	1 351,20
13	01.02.1989	28	2	0		13	01.01.2007	4372	3,61	111,83	1 463,02
14	01.03.1989	31	2	0		14	01.02.2007	4400	3,59	100,64	1 563,66
15	01.04.1989	30	2	0		15	01.03.2007	4431	3,58	110,97	1 674,64
16	01.05.1989	31	1	0		16	01.04.2007	4461	3,57	106,98	1 781,61
17	01.06.1989	25	0,28	0		17	01.05.2007	4492	3,55	110,10	1 891,71
18	01.07.1989	26	2	0		18	01.06.2007	4522	3,54	106,13	1 997,84

5-расм. Қудуқларнинг кейинги ишлаб чиқиш дебитларини башоратлаш Жадвал

Умид кони қудуқларининг кейинги ишлаб чиқиш дебитлари

77 - қудуқ			
Вақти	Ой куни	Кунлик дебит	Ойлик дебит
01.01.2016	31	4,42	136,9
01.02.2016	29	4,38	126,9
01.03.2016	31	4,33	134,4
01.04.2016	30	4,29	128,8
...
01.11.2028	30	1,02	30,6
01.12.2028	31	1,01	31,3
01.01.2029	31	1,00	31,0

72 - қудуқ			
Вақти	Ой куни	Кунлик дебит	Ойлик дебит
01.01.2016	31	4,89	151,7
01.02.2016	29	4,79	138,8
01.03.2016	31	4,67	144,9
01.04.2016	30	4,57	137,0
...
01.08.2021	31	1,03	31,8
01.09.2021	30	1,00	30,1
01.10.2021	31	0,98	30,3

Шуни айтиш мумкинки, қудуқнинг нефть захирасини аниқлаш ва қудуқнинг кейинги ишлаб чиқиш дебитини башорат қилиш (Жадвал) да яратилган ҳисоблаш алгоритмидан фойдаланилади. Яратилган дастур масалани ечишда ҳисоб китоблар учун кам вақт сарфлаган ҳолда, аниқ натижаларга эришиш имконини беради.

Учинчи параграфда эса кон маълумотларини қайта ишлаш орқали коннинг захирасини башоратлаш учун яратилган компьютер модели келтирилиб, унинг асосида Шахпахта газ кони захираси ҳисобланган.

ХУЛОСА

«Нефть конларини бошқаришда параметрларни башорат қилишнинг компьютер моделлари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Суюқлик фильтрацияси жараёнларининг параметрларни танлаш орқали бошқариш учун математик модель ишлаб чиқилди. Аниқланган параметрлар конлардан тўғри фойдаланиш имконини беради.

2. Суюқлик фильтрацияси масаласининг икки ўлчовли математик моделини бир ўлчовли кўринишга келтириш схемалари учун алгоритмлар яратилди. Яратилган ҳисоблаш алгоритмлари суюқлик фильтрацияси жараёнини ифодаловчи параболик типдаги дифференциал тенгламаларни сонли ечиш имконини беради.

3. Нефть конларини ишлаб чиқиш жараёнини бошқарувчи математик моделларни сонли ҳисобловчи усуллар учун алгоритмлар ишлаб чиқилди. Ушбу ишлаб чиқилган ҳисоблаш алгоритмлари нефть конларини оптимал бошқариш учун хизмат қилади.

4. Коннинг структура харитасини рақамли кўринишга ўтказиш алгоритми ва дастури ишлаб чиқилган. Ушбу ҳисоблаш алгоритми конларнинг чегараси ва қудуқларнинг координаталарини аниқлаш имконини беради.

5. Кон маълумотларини қайта ишлаш орқали қазиб олинadиган нефть миқдори коэффицентини ҳисоблаш алгоритми ва дастури ишлаб чиқилди. Ушбу коэффицент коннинг қазиб олиш жараёнини текшириб бориш учун хизмат қилади.

6. Реал кон маълумотларини қайта ишловчи математик моделлар такомиллаштирилди ва ҳисоблаш алгоритмлари ҳамда дастурий мажмуалар ишлаб чиқилди. Ушбу ҳисоблаш алгоритмлари қудуқларнинг қазиб олиш динамикасини башоратлаш ва конларнинг захирасини ҳисоблаш имконини яратади.

7. Яратилган компьютер моделлари ёрдамида ўтказилган ҳисоблаш тажрибалари “Умид” конида қудуқларининг ишлаб чиқиш кўрсаткичларини башоратлаш, “Южный кемачи” конида қазиб олинadиган нефть миқдори коэффицентини ҳисоблаш ва “Шахпахты” кони захирасини аниқлаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

ТУХТАНАЗАРОВ ДИЛМУРОД СОЛИЖОНОВИЧ

**КОМПЬЮТЕРНЫЕ МОДЕЛИ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ПАРАМЕТРОВ
УПРАВЛЕНИЯ НЕФТЯНЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

05.01.02 - Системный анализ, управление и обработка информации

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.2.PhD/T144.

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Алимов Исмоилджан**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Сафаров Тошпулат**
доктор технических наук, профессор

Бобомуродов Озод Жураевич
доктор технических наук

Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №__). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(протокол рассылки №__ от «__» _____ 2017 г.).

Р.Х.Хамдамов

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., проф.

Ф.М.Нуралиев

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н.

М.А.Рахматуллаев

Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению учёных степеней, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется разработке и усовершенствованию систем управления производственными процессами. Поэтому в настоящее время бурно развивается применение современных компьютерных технологий в разработке месторождений полезных ископаемых. По данным, приведенным «в отчете компании British Petroleum (BP), к концу 2016 года подтвержденный запас нефти в мире составляет 240.7 млрд. тонн (1706.7 млрд. баррелей), объем добычи нефти вырос на 0,5% относительно прошлого 2015 г., а средняя ее добыча в день составила 92.150 тыс. баррелей»¹. Исследованием месторождений полезных ископаемых с помощью современных информационных систем занимаются во многих развитых странах мира, в том числе в США, России, Великобритании, Китае, Саудовской Аравии, Венесуэле, Азербайджане и Узбекистане.

С приобретением независимости в нашей республике особое внимание уделялось внедрению научно-инновационных и современных информационно-коммуникационных технологий в оптимальном управлении процессом разработки нефтяных, газовых и газоконденсатных месторождений. В этом отношении достигнуты значительные результаты в увеличении объемов добычи продукции с помощью обработки данных месторождений, в том числе созданы автоматизированные технологические комплексы по добыче нефти и газа. Вместе с тем требуется усовершенствование процессов производства нефтяных месторождений путём оптимального управления с помощью информационных технологий. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи, в частности «... широкое внедрение энергосберегающих технологий в производство, ... внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, системы управления». Для выполнения этих задач одним из важных вопросов являются повышение производительности процесса разработки нефтяных месторождений за счет широкого внедрения современных информационных технологий, повышение эффективности их использования прогнозированием показателей эксплуатации месторождений.

Для эффективной разработки месторождений полезных ископаемых важное значение приобретает создание математических моделей и вычислительных алгоритмов представления и прогнозирования производственных процессов. Особое внимание уделяется научным исследованиям в области разработки геологических и гидродинамических 3D моделей месторождений, создания систем дистанционного мониторинга процессов разработки месторождений, разработки технологий повышения объема добываемой нефти, а также контроля и анализа процесса добычи нефти при разработке месторождений полезных ископаемых.

¹ <http://www.bp.com/content/dam/bp/en/corporate/pdf/energy-economics/statistical-review-2017/bp-statistical-review-of-world-energy-2017-full-report.pdf>

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-1989 от 27 июня 2013 г. «О мерах по дальнейшему развитию Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 1 февраля 2012 года «О мерах по созданию условий для дальнейшего развития компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий на местах» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Вопросам разработки математических моделей процесса эксплуатации месторождений нефти и создания их вычислительных алгоритмов посвящен ряд работ таких учёных, как: F.M. Ramirez, B.T. Hang, A. Henriques, O. Apeland, S.E. Wennemo, X. Aziz, Э. Сеттари, И.А. Чарный, Б.Б. Лапук, С.Н. Закиров, Ю.П. Коратаев, В.Н. Шелкачев, М.А. Гусейнзаде, М.С. Хантуш, В.Д. Лысенко и других.

В Узбекистане вопросам разработки математических моделей и вычислительных алгоритмов фильтрации жидкости (нефти, газа) посвящены работы Ф.Б. Абуталиева, С.Н. Назарова, Н. Мухитдинова, Р.С. Садуллаева, И. Алимова, Ш. Каюмова, Т.Е. Пирназаровой и других авторов.

К настоящему времени созданы математические модели, вычислительные алгоритмы и программные средства для решения различных проблем при разработке нефтяных месторождений. Несмотря на это, вопросы управления, прогноза и анализа процесса разработки нефтяных месторождений и создания их компьютерных моделей изучены недостаточно.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Научно-инновационного центра информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий: А5-ФА-Ф021 «Разработка объектно-ориентированных программных средств для автоматизации решения класса задач массопереноса в газодинамических и фильтрационных процессах» (2012-2014), А-5-009 «Разработка математических моделей, алгоритмов и программных средств для решения задач фильтрации и движения растворов в процессах подземного выщелачивания» (2015-2017).

